



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 19.07.2021 г. № 626

между "BEK-QURILISH AVTO" ХК и Сирдарё вилоят хокимлигининг курилиш буйича Ягона буортмачи  
хизмати инжиниринг компанияси на общую сумму 34 320 000 000,00

Глава  
Казначейский лицевой счёт

018  
100021860244017016805018001

(в сумах)

Наименование месяцев 2021 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4321200			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль	5 746 644 000,00			5 746 644 000,00
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>5 746 644 000,00</b>			<b>5 746 644 000,00</b>

Всего 5746644000,00 сум

Пять миллиардов семьсот сорок шесть миллионов шестьсот сорок  
четыре тысячи сум 00 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы \_\_\_\_\_ сум или \_\_\_\_\_ %\*\*\* от общей суммы договора  
подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20 \_\_\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца.  
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)



Руководитель заказчика

(подпись)

Ш.Б.Абдуллаев

Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

К.С.Алимов

Ф.И.О.

Принял работник казначейского  
подразделения

(подпись)

«\_\_\_\_» 20 \_\_\_\_ г.

Получил работник  
заказчика

(подпись)

«\_\_\_\_» 20 \_\_\_\_ г.

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 626

19 июл 2021 й.

Гулистои ш.

Сирдарё вилояти хокимлигининг қурилиш бўйича “Ягона буюртмачи хизмати инжиниеринг компанияси” (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юрутувчи Ш.Абдуллаев бир томондан ва “Bek qurilish avto” МЧЖ кейинги ўринда “Пудратчи” деб юритиладиган номидан Низом асосида иш кўрувчи А.Тожиев иккинчи томондан Сирдарё вилояти хокимининг қурилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи тендер комиссиясининг 2021 йил 17 июлдаги 04-04-146-сонли баённомасига асосан пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қўйидаги тарифлар қўлланилади:

**Ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул<sup>\*</sup> бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгартиришларнинг ушбу ишли чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект қурилишга ишли чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномлар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда қурилиш нормалар ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**Қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектининг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофикс белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**Вақтинчалик ишшоатлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва ишшоатлар;

**Беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**Шартнома нархини бўлиб чиқиши** – ишларнинг хар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгиланган холда шартнома бўйича обьектнинг умумий қийматини босқичларда тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан лойихада қўзда тутилган обьект Сирдарё вилоятида “Тадбиркорлар ва хунармандлар маркази” қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати ҚҚС<sup>\*</sup> билан жорий нархларда 34 320 000 000 (*Ўттиз тўрт миллиард уч юз йигрма миллион*) сўмни ташкил этади. Шундан 5 746 644 000 сўм Сирдарё вилоти хокимлиги томондан 2021 йил 17 июлда тасдиқланган манзилли дастурга асосан 2021 йилда молиялаштирилади, Қолган маблағ махаллий бджтдан ажратилгандан сўнг молиялаштирилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги холлар бундан мустасно:

Ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқقا ўзайтирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан, Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча қурилиш-монтаж ишлари шартноманинг 11-бандида кўрсатиб ўтилган муддатда, тўлиқ ҳажмда ва қийматда шартномага 1-илова “Ишларни бажариш жадвали”га асосан ҳамда танлов предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги пудратчининг айланма маблағи ёки банк кафолатномаси асосида бериладиган кредит билан бажарилади;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер учаскасини муҳофаза қилишни таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатади;

Пудратчи буюртмачидан обьект қурилиши, реконструкция ёки мукаммал таъмирлаш обьект худудини қабул қилиб олгандан уни обьектдан фойдаланувчига топширгунга кадар (Авиозо) фойдаланган электрэнергия, ичимлик сув, табий газ ва бошка коммунал туловларни уз хисобидан тулаб боради;

Қурилиш тавваккалчиликларини сугурта қиласи;

Шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб ўн кун муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

Қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари билан ва зарур тарзда субпудратчилар томонидан бажарилиши ҳамда обьектни фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартноманинг 3-иловасига мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини обьект қурилиши тугаллангунгача далолатнома бўйича Пудратчига беради;

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура- қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайт этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қиласи;

Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлайди;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқади ва қарор қабул қиласи;

Молиялантириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс беради ва жорий молиялаштиришни амалга оширади;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялантириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

11. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти\* ишлар бошланган кундан эътиборан **360** кунни ташкил этади.

12. Мазкур шартнома бўйича ишлар, 1-илова ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади ва Пудратчи томонидан хар ойнинг 27-санасигача бажарилган қурилиш монтаж, реконструкция ва таъмирлаш ишларини тасдиқловчи ҳисоб-фактура тақдим этилади.

## VII. ТҮЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

13. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 15 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу **5 148 000 000** (Беш миллиард бир юз қирқ саккиз миллион) сўмни ташкил этади.

14. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган аванс мутаносиб равища ушлаб қолиниши хисобга олинган холда, бажарилган ишлар (хисоб фактура) қийматининг 95 фоизигача бўлган миқдорда хар ойда амалга оширилади.

15. Ушбу шартномада белгиланган 12 ойлик кафолат муддат ўтгандан кейин бажарилган ишлар қийматининг 5 фоизлик кафолат суммаси, Пудратчи томонидан объектдан фойдаланувчи ташкилот маълумотномаси ёки хати тақдим этилгандан сунг Буюртмачи томонидан тўлаб берилади;

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўтгиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равища хабардор қиласи, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани билан томонлама бекор қилини хукуқига эга эмас. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Буюртмачи қурилиш майдонига ўзининг вакили техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг хужжатларига мувофиқлигини текширади.

19. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукуқига эгадир.

20. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равища қатнашади.

21. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажариларни мустақил равища ташкил этади.

22. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

23. Қурилиш майдони умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

24. Буюртмачининг қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда, Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва стишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларини беради.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан бошлаб, уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координаталари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

26. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса,

Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

**27.** Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлади, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

**28.** Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

**29.** Пудратчи ўзи томонидан қурилишда кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

**30.** Алоҳида маъсуллиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва “Даврархитектқурилишназорат” инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.

**31.** Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёrligi Буюртмчи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари хамда уларнинг “Даврархитектқурилишназорат” инспекцияси билан келишган шартларда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

**32.** Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

**33.** Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

**34.** Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки )унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларнинг уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

**35.** Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлади, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

**36.** Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқини тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчи томонидан ёзилган қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX . ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

**37.** Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунча ва қурилиш тугалланган обьект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш

майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланиши таъминлайди.

38. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк обьект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X . ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАР

39. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этадилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

40. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини мухокама қиласидар.

41. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлиди.

## XI . ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШИ

42. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

43. Объект уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

44. Пудратчи қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига унбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

45. Давлат хаъати (комиссия) томонидан обьект қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

46. Пудратчи:

Барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига хамда қурилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан таъмирлаш учун қўлланиладиган қурилиши материаллари лойиха хужжатларидан кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишини;

объектда мухандислик тизимлари ва ускуналардан фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади;

47. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши, туганланган обьектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади

**48.** Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддат нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар, чала ишлар ва камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммани Пудратчидаи ушилаб қолини хукуқига эга.

**49.** Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Даврархитектқурилишназорат” органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишни истисно этмайди.

### XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

#### **50. Буюртмачи:**

Шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланишини Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

Ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилганда ёки Пудратчи томонидан ишларни бажарии жадвалига риоя этилмаганда:

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражага бузилганда;

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

#### **51. Пудратчи:**

Ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи, томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб хукуқига эга.

**52.** Шартнома бекор қилинганда тарафларнинг розилиги билан тузилган келишув битимиға асосан Пудратчи тугалланмаган қурилишни 10 кун муддатда Буюртмачига топширади ва ўзаро тўлиқ хисоб-китоб килади.

**53.** Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон шу бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади, ушбу билдиришномани олган тараф 15 кун ичидаги жавоб бермаган тақдирда, ушбу масала иқтисодий судда кўриб чиқилади.

**54.** Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томони иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

**55.** Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар буидан мустасино.

### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

**56.** Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки талаб этилган даражада бажармаган (сифатсиз бажарга ёки муддатида бажармаган) тақдирда айбдор томони иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Зарар ёки пеня ихтиёрий равища тўланмаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида” ги Қонун, мазкур шартнома ва бошқа қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда иқтисод суди орқали даъво тартибида ундирилади.

**57.** Мазкур шартноманинг тегишли иловаларида кўрсатилган мажбуриятларга риоя килмаганлиги, ўз вақтида молиялаштиргмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган

хар бир кун учун молиялаштирилмаган қисмининг **0,1** фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниңг умумий суммаси молиялаштирилмаган қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

**58.** Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдаи асоссиз равишда бош тортганилиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **0,1** фоизи миқдорида жарима тўлайди.

**59.** Пудратчи 1-илова “Ишларни бажариш жадвали”га риоя этмаганлиги ва объектни ўз вақтида ишга тўшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажармаган қисмига **0,5** фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниңг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказилиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5** фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниңг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

**60.** Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёrlари ва қоидаларига, иш хужжатарига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи “Даврархитектқурилишназорат” инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **0,5** фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

**61.** Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни коплайди.

**62.** Муддат ўтказиб юборганлиги ёки мажбуриятларнининг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

**63.** Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарни қопланда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув йўли билан хал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Сирдарё вилояти Гулистон туманлараро иктисол суди томонидан кўриб чиқилади.

## XVI АЛОХИДА ШАРТЛАР

**64.** Ушбу шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегинили бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларининг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

**65.** Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алохида қисмларига тегинили иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

**66.** Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

**67.** Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлани керак.

**68.** Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хақ тўлашни кечикиришга хаклидир.

**69.** Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

**70.** Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

**71.** Шартнома белгиланган тартибда худудий ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

## **XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ**

**Буюртмачи:**

Сирдарё вилояти қурилиш бўйича ЯБХИК

Манзил: Гулистон ш. М.Ахтамова-30

Тел/факс 27-63-86; 27-61-93

СТИР 204773938 ОКОНХ 69000

ШИР:

Сирдарё вилояти Газначилиги

х/р 23402000300100001010

МФО 00014, СТИР 201122919

ОКЭД 70120



Хукуқшунос:



**Пудратчи:**

“Bek qurilish avto” МСИЈ

Гулистон ш. Тошкент куч 77 уй.

Тел.+99898-210-09-09

ИНН 301635008

р/с 20208000604854124001

«Микрокредит банк» Гулистон ш.

МФО 00366

ОКОНХ 69000



A. Тожиев

Б.Дусназаров



2021 йил 19 июлдаги  
626 -сонли шартномага  
2-алова

### Молиялаштириши жадвали

Сирдарё вилоятидаг "Тадбиркорлар ва хунармандлар маркази" қурилыш

Пудратчи ташкилот: "Bek qurilish avto" МЧЖ

Шартнома қийматы: 34 320 000 000 сўн

(сўмда)

№	Номи	Молиялаштириши жадвали						Жами	
		2021 йил	шундан						
			Июл	Август	Сентябр	Октябрь	Ноябрь		
1	Аванс 15%	907 364,842	907 364,842					4 240 635,158 5 148 000,000	
2	Бажарилган ишлар учун 80%	4 839 279,158	4 839 279,158					22 616 720,842 27 456 000,000	
3	Кафолат муддатидан сунг 5%							1 716 000,000 1 716 000,000	
	ЖАМИ	5 746 644,000	5 746 644,000	-	-	-	-	28 573 356,000 34 320 000,000	

Буюртмачи:



Пудратчи:



Сирдарё вилоятида “Тадбиркорлар ва хунармандлар маркази” қурилиш

**ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**

Пудратчи ташкилот: “Bek qurilish avto” МЧЖ

Шартнома қиймати: 34 320 000 000 сўм

(сўмда)

№	Номи	2021 йил	шундан					2022 йил	ЖАМИ	Объектни фойдаланишга топшириш муддати
			Июль	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
ҚМИ		4 997 081,739	2 388 386,087	2 608 695,652	-	-	24 846 396,522	29 843 478,261		
ККС 15%		749 562,261	358 257,913	391 304,348	-	-	3 726 959,478	4 476 521,739		360
Жами		5 746 644,000	2 746 644,000	3 000 000,000			28 573 356,000	34 320 000,000		

Пудратчи:



Буортмачи:





## ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

### Раздел I. Основные данные по стройке

1	Наименование и местонахождение стройки	Сирдарё вилоятида "Тадбиркорлар ва хунармандлар маркази" курилиши		
2	Отрасль			
3	Инвестор	Мес.бюджет		
4	Заказчик	Инжиниринг. компания служб.единого заказ.по стр-ву		
5	Разработчики	«Nanoproekt va Texnologiya» МЧДК		
5.1.	ТЭО			
	ПСД и / или ТД	«Nanoproekt va Texnologiya» МЧДК		
5.3.	Экспертизы	Внедомственная экспертиза Сырдарьинской области.		
6	Генеральный подрядчик	“Bek qurilish avto” МЧДК	тенд.ст-ть	34320,000
7	Источник финансирования	Мес.бюджет		
8	Срок начала и окончан.строительства	2021 г.		
9	Основные показатели стройки:	по ПСД		
	Мощность (в соотв.ед.измер.)	объект		
	Основные фонды			
	Капитальные вложения	6000,000		
	Строительно-монтажные работы	5746,644		
	Оборудование, инвентарь			
	Прочие работы и услуги	253,356		
	Содержание службы заказчика	0,000		

ПРОГНОЗ на 2021 г. в соответствии с согласованным с ММЭС и МФ адресным списком	В действующих ценах (млн.сум)	
Мощность (в соотв.ед.изм.)	объект	
Основные фонды	*	
Капитальные вложения	6000,000	
Строительно - монтажные работы	5746,644	
Оборудование, инвентарь	*	
Прочие работы и услуги	253,356	
Содержание службы заказчика	0,000	

### Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2021 г.

ПРОГНОЗ на 2021 г. в соответствии с согласованным с ММЭС и МФ адресным списком	(в текущих ценах, млн.сум)				
	Всего на 2021 год	в том числе по кварталам:			
		I	II	III	IV
Ввод мощности	объект				объект
Основные фонды					0,000
Капитальные вложения	6000,000	0,000	0,000	6000,000	0,000
СМР, оборудование	5746,644			5746,644	0,000
Прочие работы и услуги	253,356			253,356	*
Содержание службы заказчика	0,000				

